



Савдо – саноат палатасининг банк-молия масалалари бўйича
Экспертлар кенгаши йиғилишининг
БАЁННОМАСИ

2020 йил “15” январь

Тошкент шаҳри 1 -сонли

Раислик этувчи :

Ўзбекистон Республикаси ССП Раисининг
биринчи ўринбосари И.К.Жасимов

Иштирокчилар:

Экспертлар кенгаши аъзолари (рўйхат бўйича),
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва
саноат вазирлиги вакиллари М.Умаров,
Б.Набиев, Кичик бизнес ва тадбиркорликни
ривожлантириш агентлиги вакили Ё.Умаров,
Молия вазирлиги масъул вакили М.Турсунов,
Давлат солиқ қўмитаси вакили Ш.Жумаев,
Инвестиция ва ташиқ савдо вазирлиги вакили
А.Муллажонов, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги вакили Ф.Хамраев,
Давлат статистика қўмитаси М.Сатимов,
Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиқлар
А.Турхолов, Д.Хамраев, идоралар вакиллари ва
тадбиркорлар (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта бизнесни
ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
лойиҳасининг муҳокамаси тўғрисида.

(Жасимов, Умаров, Умаров, Муллажонов, Сатимов, Жасимов)

I. Кун тартибига киритилган масала юзасидан Савдо-саноат палатаси
Раисининг биринчи ўринбосари И.Жасимов Банк-молия масалалари бўйича
тузилган Экспертлар кенгаши аъзолари ва иштирокчиларни йиғилиш
қатнашчиларига таништириб, Савдо – саноат палатаси (Палата)га Ўзбекистон
Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан тақдим этилган Ўзбекистон
Республикаси Президентининг “Ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини муҳокамасига ташриф буюрганликлари учун вазирлик ва идоралар вакилларига миннатдорчилик билдирди.

Қарор лойиҳаси юзасидан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Янги таҳрири) 5-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида **кичик тадбиркорлик субъектлари** уч хил яъни, яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига бўлиниши, бу тоифаларга кирмайдиган бошқа субъектлар **йирик тадбиркорлар** тоифасига киришини билдирди. Шунингдек, Қарор лойиҳаси билан таклиф этилаётган **ўрта бизнес субъектлари** тоифаси тушунчаси муқаддам 1998 йилга қадар бўлганлиги, ушбу вазиятда кичик тадбиркорлик субъектлари кенгайиши ва ривожланиши учун манфаат (рағбатлантириш) йўқлиги, бошқа ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ўрта бизнес субъектлари тоифасини жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектлари ривожланишда поғонама-поғона ҳаракат ва интилишга асос бўлишини билдирди.

Қарор лойиҳасини батафсил тушунтириб бериш учун сўз **Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги вакили М.Умаровга** берилди. Бунда, мазкур Қарор лойиҳасининг мазмун моҳияти ва ўрта тадбиркорлик субъектлари тоифасини белгилаш мезонлари ҳақида тушунтириб бериш сўралди.

Шундан сўнг, **М.Умаров** Қарор лойиҳаси бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

Иқтисодиётда кичик бизнес субъектларига нисбатан алоҳида тартиб қўлланилиши натижасида корхоналар ўзининг **бизнес тоифасини** сунъий равишда яшириш, яъни норасмий ишчиларни ёллаш ва конверт усулида иш ҳақи тўлаш ҳисобига кичик бизнес мақомини сақлаб туриш ҳолатлари кузатилади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши тегишли давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш, ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ривожлантириш учун хорижий сармоя жалб этиш жараёнинг барча босқичларида сармоя лойиҳаларининг, шу жумладан, жалб этилаётган хорижий кредитлар лойиҳаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиш, корхонанинг мулк шакли ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, сармоя жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилиш, кадрларга профессионал таълим бериш билан боғлиқ бўлган барча масалаларда кўмаклашиш имконини беради.

Ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ажратишда фақат иш билан банд ходимларнинг йиллик ўртача сонидан келиб чиқиб белгиланаётганлигини баён этиб, Қарор лойиҳасига мувофиқ, 2020 йилнинг 1 апрелидан ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига мулк шаклидан қатъи назар, кичик корхоналар учун йилига белгиланганидан ортиқ, лекин **ишлаб чиқариш соҳасида** 100 дан 150 нафаргача, **қурилишда** 70 дан 100 нафаргача, **қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида**, **улгуржи савдода** 30 дан 40 нафаргача, **чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда** 20 дан 30 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган ўрта корхоналар киришини билдирди.

Шу билан бирга, **М.Умаров** ушбу Қарор лойиҳасини тадбиркорлар иштирокида муҳокама қилинишига имконият яритиб берганлиги учун Палатага ўз миннатдорчилигини билдириб, бу муҳим аҳамиятга эгаллиги, иштирокчилар томонидан билдирилган таклифлар Қарор лойиҳасини янада мукамал бўлишига хизмат қилишини инobatга олиб, ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектларини

молиявий ва номолиявий рағбатлантиришга алоҳида аҳамия қаратган ҳолда таклифлар берилишини, берилган таклифлар ўрнатилган тартибда кўриб чиқилишини билдирди.

И.Жасимов, ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифаси мавжуд бўлган Швейцария, Жанубий Корея, АҚШ, Хитой ва Россия давлатлари тажрибалари ўрганилганда, уларнинг аксариятида корхонанинг иктисодий фаолият тармоғига мансублигига қараб, ишчилар сони ва капитал даромадлари (ялпи тушум)га қараб тоифаланиши аниқланди. Лойиҳа билан фактгина иш билан банд ходимга эга бўлганлигига қараб ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига ажратишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, мисол учун бир корхонада иш билан банд ходимлари Қарор лойиҳасининг 1-бандида келитирилган сонлардан паст бўлиши, лекин унинг айланма маблағи ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари айланма маблағидан бир-неча баробарга кўпни ташкил этиши мумкинлигини таъкидлади.

Шуни инобатга олиб, ушбу масалани муҳокамага қўйишни таклиф этди.

Қарор лойиҳаси юзасидан кўшимча изох ва тушунча бериш учун, сўз навбати **Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вакили Ё.Умаров**га берилди.

Ё.Умаров мазкур лойиҳа Агентлик томонидан ўрганиб чиқилганлиги, буни асосида хорижий давлатлар, хусусан Европа Иттифоқи давлатларида ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифалари бўйича белгиланган мезон ва методологияси ўрганиб чиқилганлигини билдирди. Унга асосан, кўпгина Европа Иттифоқи давлатларида ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари уларда ишлайдиган ишчиларнинг ўртача сони ҳамда йиллик айланма маблағлари (тушуми)дан келиб чиққан ҳолда белгиланганлиги ҳақида тушунтириб ўтди.

Шунингдек, қарор лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг ўрта бизнес тоифасига ўтишини рағбатлантириш бўйича берилган номолиявий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратди ҳамда ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари бўйича мезон белгиланишида, уларнинг йиллик обороти (тушуми) ҳам инобатга олинishi лозимлигини эътироф этди.

Шундан сўнг, **И.Жасимов** ушбу билдирилган таклифлар юзасидан ўз фикрини билдириши учун сўз навбатини Давлат статистика қўмитаси вакили **М.Сатимов**га берди.

М.Сатимов ушбу таклифга қўшилишини, жоҳон тажрибаси ўрганилганда ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари вакилларини аниқлашда уларда ишлайдиган ишчиларнинг ўртача йиллик сони ҳамда йиллик айланма маблағлари ва баланс қиймати ҳисобга олиншини таъкидлаб, ушбу амалиётни Иктисодиёт ва саноат вазирлигига Қарор лойиҳасига таклиф сифатида киритилганлигини билдирди.

Шунингдек, ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектларини йиллик айланма маблағлари ва баланс қиймати ҳисобидан келиб чиққан ҳолда тоифага ажратишда Давлат солиқ қўмитаси йиллик молиявий ҳисобот натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг йиллик ўртача айланмаси тўғрисида шакллантирилган маълумотларни Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш юзасидан таклиф билдирди.

Лойиха юзасидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари “Nice Partners” МЧЖ раҳбари А.Мўминов, “Top Trend” МЧЖ раҳбари К.Азизов ҳам сўз олиб, ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасини белгилашда корхонанинг иқтисодий фаолият тармоғига мансублигига қараб, ишчилар сони ва йиллик айланма (тушуми) маблағларига қараб тоифаланиши кераклиги ҳақидаги таклифларини беришди.

Экспертлар кенгашида иштирок этган барча тадбиркорлар, вазирлик ва идоралар мутахассислари ушбу таклифни бир овоздан маъқуллади.

И.Жасимов, Қарор лойихасининг 1-банди учинчи хатбошига кўра, “ўрта корхоналар одатда хом ашё ва материалларни дастлабки қайта ишлаш, кичик ҳажмли, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган бутловчи маҳсулотлар, жиҳоз ва асбоб-ускуналар, халқ бадний ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқариш соҳаларида, шунингдек, сервис хизмати ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилади”, - деб белгиланган.

Бунда, ўрта тадбиркорлик субъектларини ташкил этишда муайян соҳалар тури аниқ белгилаб берилмоқда.

Аммо, тадбиркорлик субъектларининг бошқа шакллари (кичик ва йирик тадбиркорлик субъектлари) каби ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз фаолиятларини турли соҳаларда амалга оширишлари мумкин ва уларнинг бу ҳуқуқларини чеклаш юридик нуқтаи назардан тўғри бўлмайди.

Шу боис, лойиханинг 1-бандидан учинчи хатбошини чиқариб ташлаш таклифни билдирди.

Бундан ташқари, муҳокама жараёнида тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр билдирилди. Жумладан, “Exit serlenhoque cogrogation” МЧЖ раҳбари Кан Елена Дмитриевна сўзга чиқиб, тижорат банкларидан кредит ажратишдаги муаммолар, хусусан, бюрократик тўсиқлар, кредитни ўз вақтида чиқариб бермаслик каби омиллар тадбиркорлик субъектларини ривожланишига катта тўсиқ бўлаётганлигини қайд этиб, банк тизимини ислоҳ қилиш, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш шаффофлигини ошириш масалаларини қайта кўриб чиқиш вақти келганлиги таклифни билдирди.

Баён этилган ва муҳокамада тадбиркорлар, вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда Экспертлар кенгаши аъзолари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, Экспертлар кенгаши,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Қарор лойихаси иқтисодиётда ўрта тадбиркорлик субъектларини шакллантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш орқали уларни жадал ривожлантириш, ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратишга хизмат қилиши эътироф этилсин.

2. Кичик тадбиркорлик субъектлари сингари ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз фаолиятларини турли соҳаларда амалга оширишига ҳуқуқий шароит яратиш мақсадида Қарор лойихасининг 1-бандидан учинчи хатбошини чиқариб ташлаш тавсия этилсин.

3. Қарор лойиҳасида ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасини белгилашда тадбиркорлик субъектларида ишлайдиган ходимларнинг сонига қўшимча равишда уларнинг йиллик айланма маблағи (тушуми)нинг маълум миқдорини ҳам мезон сифатида белгилаш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

4. Қарор лойиҳасининг 3-бандига қўйидагича ўзгартиришлар киритиш тавсия этилсин:

- иккинчи хатбошидаги **“корхоналарини”** сўзини **“субъектларини”** сўзи билан алмаштириш;

- учинчи хатбошидаги **“корхонанинг мулк шакли ва соҳа бўйича кимга бўйсунушидан қатъи назар,”** сўзларини **“ўрта тадбиркорлик (бизнес) субъектлари”** сўзлари билан алмаштириш.

5. Қарор лойиҳасини қуйидаги таҳрирдаги банд билан тўлдириш тавсия этилсин:

“Давлат солиқ қўмитаси йиллик молиявий ҳисобот натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг йиллик ўртача пул айланмаси тўғрисида шакллантирилган маълумотларни Давлат статистика қўмитасига тақдим этиб борсин.”

6. Экспертлар кенгаши баённомаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Марказий банкка юборилсин ҳамда Палатанинг веб сайтыга жойлаштирилсин.

Мажлис котиби



С.Ашуров

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузурида
2020 йил 15 январь куни ўтказилган Банк-молия масалалари бўйича
экспертлар кенгаши иштирокчилари
РЎЙХАТИ**

№	Ф.И.Ш	Ташкилот номи ва лавозими
1.	И.Жасимов	Савдо-саноат палатаси Раисининг биринчи ўринбосари
2.	А.Турхолов	Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи
3.	Д.Хамраев	Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи
4.	Умаров Мирюнус	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги вакиллари
5.	Набиев Бобурбек	
6.	Тохиров Жахонгир	
7.	Ё.Умаров	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вакили
8.	Турсунов Мустафо	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
9.	Жумаев Шухрат	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси вакили
10.	Сатимов Маъмур	Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси вакили
11.	Муллажонов Авазбек	Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги вакили
12.	Хамраев Фаррух	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги вакили
13.	Асанова Зиорат	Energotash (директор)
14.	Казакбаев Фуркат	Zarina Ikramova ОК
15.	Баширов Марат	ВМТ Inter Group МЧЖ
16.	Абдусаматов Усманжон	My Build City МЧЖ
17.	Абдувахобов Абдуазим	Green Desert МЖЧ
18.	К.Азизов	“Top Trend” МЧЖ
19.	Мирбабаев Шавкат	Флора Люкс МЧЖ
20.	Ш.Имамова	Миробот тумани касаба уюшмаси
21.	С.Ибрагимов	Обод Турмуш Универсал МЧЖ
22.	Д.Насирова	Сергели тумани ТКМ
23.	А.Мўминов	“Nice Partners” МЧЖ
24.	В.Назаров	Ширин Шакар Бизнес ХК
25.	М.Мамадалиева	Эвент Стил ОК
26.	Д.Юлдашев	Атестат Бизнес МЖЧ
27.	Кан Елена	“Exim serlenhoque corporation” МЧЖ
28.	В.Юлдашева	Марва Агро Лигхт МЧЖ